

4. Махтумкули. Булбул нолаши. (Э.Очилов тарж.) - Т.: HILOL-NASHR, 2014.
5. Махтумкули. Боди сабони кўрсам. (М.Азим тарж.) - Бухоро: 2013.
6. Махтумкули. Севмишам сени. (М.Ахмад тарж.) - Т.: DAVR PRESS HMY, 2016.
7. Махтумкули. Сайланма. (М.Ахмад тарж.) - Т.: “Ўзбекистон-Ёзувчи”, 1995.
8. Максуд Шайхзода. Чорак аср девони. Танланган асарлар. -Т.: “Бадий адабиёт”, 1958.
9. Сафаров О. Болалигим қолган кўчалар. -Т.: “Мухаррир”, 2010.
10. Махтумкули-Фироғий. Сайланма. (А.Жумаев ва Ж.Зулпиевлар тарж.). -Т.: “Ўзбекистон”, 2008.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Махтумкули шеърларининг жанрий таркиби тўғрисида фикр юритилиб, уларнинг ўзбекча таржималари вази нуқтаи назаридан текширилади. Хусусан, Махтумкулининг ўзбек таржимонлари М.Шайхзода, Ж.Шарипов, Э.Очилов, М.Ахмад, М.Азим, О.Сафаровларнинг таржималари тадқиқ объекти қилиб олинди. Таҳлил намуналари ўзбек ва туркман тиллари мисолида ҳаққоний талқин қилинди.

РЕЗЮМЕ

В статье речь идёт о жанровом составе стихотворений Махтумкули, а переводы его стихотворений на узбекский язык исследуются с точки зрения метрической системы. В особенности, рассматриваются переводы стихотворений Махтумкули, узбекскими переводчиками М.Шайхзода, Ж.Шарипов, Э.Очилов, М.Ахмад, М.Азим, О.Сафаровым, как объекта исследования. Образцы анализов обсуждались на узбекском и туркменском языках.

SUMMARY

In the article the genre structure of Maktumkuli's poems and their Uzbek translations are studied from the point of view of meters. His poems were translated into Uzbek by Uzbek translators M.Shayhzoda, J.Sharipov, E.Ochilov, M.Ahmad, M.Azim, O.Safarov. Their works are considered as the object of the research. Samples of analyses were discussed in the Uzbek and Turkmen languages.

БОБУРНИНГ ДАВР ВА КЕЧМИШ ТАРИХИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ

И.И.Сулаймонов – филология фанлари номзоди, доцент

Самарканд давлат университети

Таянч сўзлар: Бобур, тарихий шахс, рухий вазият, зиддият ва кечинма, тарих ҳақиқати ва бадий талқин, сиёсий ва адабий муҳит, ғолиб ва мағлуб.

Ключевые слова: Бабур, историческая личность, психологическая ситуация, конфликт и переживание, правда истории и художественная интерпретация, политическая и литературная среда, победитель и побеждённый.

Key words: Bobur, historical person, psychological situation, conflict and experience, the truth of history and literary-artistic interpretation, political and literary environment, winner and loser.

Маълумки, Захириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб, ўзбек реалистик насрининг классик намунаси “Бобурнома”да уч минтақа (Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистон) тарихи баён этилган. У 1600 тадан ортиқ тарихий шахслар ҳаёти одилона баҳоланган жаҳонга машхур дурдона асардир. Бу асар ҳақида дунё халқлари илмпарварлари энг сара сўзларини айтганлар, уни юксак эҳтиром билан тилга оладилар. Биргина инглиз тарихчиси Эльфинсоннинг «Бобурнома» ва унинг муаллифи ҳақида: «...бу асар Осиёда ягона, чинакам тарихий тасвир намунасидир. Бобур ҳарбий одамнинг ташқи кўриниши, кийими, таъби ва одатларини ифода қилади, мамлакатларни, уларнинг иқлими, табиати, хўжалиги, санъат ва ҳунармандчилик намуналарини тасвирлаб беради. Лекин муаллифнинг ёрқин характери асарга энг кўп жозиба бағишлайди», - деган фикрлари фикримизга ойдинлик киритади [1:23]. Ушбу эътирофнинг ўзиёқ Бобур ва айниқса машхур «Бобурнома»га муаллиф кўзи ва диди билан қарашни тақозо этади. Бунда энг аввало шахс ботини ва зоҳиридаги икки нуқта: ғолиб ва мағлублик руҳияти ниҳоятда теран очиб берилади. Зотан, унда сертахлика бир даврда шахснинг руҳий ҳолати, турли оғир дамларда ўзини тута билиши ва ёки аксинча, ҳаракатини бошқара олмаслиги ҳоллари зийраклик билан кузатилади. Бу тажриба дунё тарихида салтанат бошлиқлари, нуфузли шахслар ҳаётида, давлатни бошқариш ва давр сиёсатини юргизишида муҳим ўрин тутати.

Бобур тарихий шахслар ва айниқса Ҳусайн Бойқаро ҳақида фикр юритар экан, биринчи навбатда, теурий-зодалар сиймосида тажрибали, одил ва қомил шахсни тасаввур қилади. Лекин у Ҳусайн Бойқаро давлатдорлигидаги айрим шахслар фаолияти салтанатни мустаҳкамлашга эмас, балки парчаланишга олиб келувчи ҳолатларини ҳам эслатиб ўтади. Бобур 1495-1496йиллар воқеаларига тўхталиб, Ҳусайн Бойқаро салтанатида Хусравшоҳ исмли бек бўлиб, охириги пайтда Ҳирот ҳокимиятига бўйсинмай қолганлиги ҳақида

гапиради. Бундай муносабат давлат ишини юргизишда бошқа муаммоларни ҳам келтириб чиқаришини айтиб: «Хисравшоҳнинг мунча улғаймоғига ва мунча ҳадди етмас ишларни қилмоғига Султон Ҳусайн мирзонинг икки қатла келиб ола олмай ёнмоғи сабаб бўлди», - дейди [1:54].

Бобур Султон Ҳусайн мирзо салтанат бошқарувида жуда қалтис ҳаракат қилиб, Ҳирот салтанатида ота ва ўғил ўртасидаги муаммонинг нотўғри ҳал этилгани, салтанат бошқариш тарихида бундай ҳолат ҳали кузатилмагани, ниҳоят бу Султон Ҳусайн ҳамда фарзандлари орасида душманликкача бориб етган тарихий вазиятга баҳо беради. У бир ўринда: «Мовароуннаҳр вилояти маслаҳати учун Балхни Бадиъуззамон мирзога бериб, анинг вилоятиниким, Астробод бўлғай, Музаффар Ҳусайн мирзога берди. Ҳар иккаласини Балхқа ва Астрободқа бир мажлиста юқундурди. Бу жихатдин Бадиъуззамон мирзо тар бўлди. Мунча йил ёғийликлар ва фитналарнинг сабаби ул эди», - дейди [1:54].

Бобур Ҳусайн Бойқаро сиёсати ва давлатчилиги ҳақида гапириб, бир вилоят, юрт, маконга икки кишининг ҳоким, султон этиб тайинланишини теурийлар саройидаги энг нолойиқ иш деб билади. Бу қарор теурий шахзодалар орасида нифокни кучайтириши, уларнинг муносабатлари бузилиши ва ҳатто қонли жангларга олиб келишини ўша давр тарихчиси сифатида баён этади. Яъни, «баширкат подшоҳлик қилиш»нинг Ҳусайн Бойқаро давлатчилигидаги энг номуносиб иш деб билади ва буни тарихнинг хатоси деб баҳолайди: «...Бадиъуззамон мирзо била Музаффар Ҳусайн мирзони Ҳирот тахтида баширкат подшоҳ қилдилар. ...Бу ғариб амре эди, ҳаргиз подшоҳлиқта ширкат эшитилган эмас. Шайх Саъдий сўзининг мазмунининг хилофи воқеъ бўлди: Нечукким, «Гулистон»да келтурубтур: «Дах дарвеш дар як гилеме бихусбанд ва ду подшоҳ дар иқлиме нағунжанд» (Мазмун: Ўн дарвеш бир гиламга сиғиб ётарлар, икки подшо бир иқлимга сиғмайди) [1:140]. Бунда Бобур Султон Ҳусайн мирзонинг тари-

хий хатосини давр эксперти сифатида темурийлар салтанати манфаатини кўзлаган ҳолда билдиради. Ҳусайн Бойқаро бу ҳаракати билан ҳозиргача ўз салтанатида ота ва ўғил зиддияти шусиз ҳам тахт ягоналигига раҳна солиб келаётганига қарамасдан, иккала ўғли – бўлажак тахт ворисларини мунозарали масалани ҳал қилиш, ҳар бир шаҳзодани алоҳида-алоҳида вилоятларга ҳоким этиб тайинлаш ўрнига уларни шериклик тариқасида ҳукмронлик қилишларини маъқул кўради. Бобур фикрича, «мунча йил ёғийликлар ва фитналарнинг сабаби ул ўлди».

Бобур «Бобурнома»да Хусравшоҳ ҳақида сўз юритир экан, бу бекнинг хислатларини қоралаб гапиради, уни темурийлар хонадонининг душмани сифатида баҳолайди. Бобур Ҳусайн Бойқаро сиёсатини танқид қилиб, Хусравшоҳга ўз салтанатида жуда катта эътибор ва нуфуз берганлиги, бу эса Хуросон давлатининг инқирозига сабаб бўлишини оддий мисол билан исботлаб: «Баъзи кўтахандишлар худ барин эдиларким, учала подшоҳзодани ўлтуруб, Хисравшоҳ отига хутба ўкутгайлар», - дейди [1:66]. Бобур салтанатни бошқаришда ҳар бир ишни чуқур ўйлаб, ҳулоса чиқаришни таъкидлайди. Унинг бу қарашлари ҳаёт тажрибасига асосланган тарзда ўз ифодасини топган. У яқинлари, бекларининг гапига кириб «фармон бўлдуким, бизинг била бўлгонлар таниғон нималарини олсунлар», деб амр бера экан, бундай фикрга қилиши ғалат эканлигини, бироз шошиб иш кўрганини ҳолисона баён этади. У ҳар бир гапни фақат ростини баён қилиш мақсади эканлигига содиқ қолиб, шундай ёзади: «Жаҳонгир мирзодек музи (ғаниме) ёнимизда ўлтуруб, элни мундоқ ҳуркутмоқнинг ҳеч маънисини йўқ эди. Мулкгирликда ва мамлакатдорликта агарчи баъзи ишлар зоҳирда маъқул ва муважжаҳ кўрунур, вале ҳар ишнинг заминиди юз минг мулоҳаза вожиб ва лозимдур» [1:69]. Бу Бобурнинг узокни кўзлаб давлатдорлик қилиши, унга Қобул давлатчилигини тузиш, Ҳиндистонда қисқа муддат ичида мустаҳкам салтанат пойдеворини яратишга имкон берди. У ота юрти – Самарқандга бўлган меҳри юксаклигини, ушбу шаҳар тахтига ўтириш армон бўлиб қолганлигини алоҳида таъкидлайди. Бобур Самарқандни Шайбонийхон истилосидан омон сақлаш, бу шаҳар тахтига ўтириш, темурийзодалар ҳудудларини ҳимоя этиш, Самарқандни эгаллашда унга ёрдам тилаган тақдирида ҳам мадад бермаганликларини афсус ва надомат билан таъкидлаб ёзади. Бобур темурийзодалардан барча кучни бирлаштириб, хонадоннинг асосий душмани Шайбонийхонга қарши йўналтириш мақсада мувофиқлигини қайта-қайта таъкидлайди: «Ҳар неча атроф ва жавонибқа элчилар ва кишилар йиборилди, ҳеч кимдин кўмак ва мададе етишмади. Ул маҳалдаким, зўр ва қувватимиз бор эди, ҳеч навъ шикаст ва нуқсоне бўлмайдур эди. Кўмак ва мадад қилмадилар ва мундоқ маҳалда худ не ҳисоб била мадад қилгайлар. Буларнинг умиди била қабалда қалъадорлик қилмоқлик бетақриб экандур... Султон Ҳусайн мирзодек мардона ва соҳиб тажриба подшоҳ бизга мадад қилмай бизга кўнгул кўмаклар бериб, элчи йибормай, Шайбоқхонга Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳийни муҳосара вақтида элчиликка йиборди» [1:85]. Бобур ҳар бир султон, саркарда, бек ва аёвну ашрофларнинг қобилияти, уруш майдонида ўзини тутга билишнинг ижобий ва салбий томонларини аниқ кўрсатиб беради. Масалан, унинг икки темурийзодага берган баҳоси характерлидир. У Султон Маҳмуд шунчалик кўрқоклиги билан ўзига тааллуқли кенг ҳудудни ғанимларидан қандай ҳимоя қила олади, агар Фарғона тахтига даъвогар Аҳмад Танбал олдида ундан кўрқиб, қалтираб турса; бундай кўрқоклар билан Амир Темур салтанатини ҳимоя қилиш мумкин эмаслигини гўё таъкидламоқчи бўлади: «Султон Маҳмудхон уруш

кишиси эмас эди. Сипоҳийликдин бисёр орий эди. Танбал била ўтру (рўбару) бўлгон чоғ хондин бедилонга ақвол ва афёол зоҳир бўлур. Аҳмадбек турк киши эди, вале мардона ва давлатхоҳ эди. Ғариб дурушт айтур, дерким, бу Танбал не миқдор кишидерким, мунча дағдаға ва тараддуд тортарсиз. Агар кўзунгиз кўрсак, кўзунгизни боғлаб юруб рўбару бўлалинг» [1:85].

1503-1504 йиллар воқеалари зикрида Бобур Ҳусайн Бойқародан узокдан-узок мактуб олади. Буни Бобурнинг ўзи «... Бадиъуззамон мирзога ва манга (яъни - Бобурга – И.С.) ва Хисравшоҳга ва Зуннунга бир мазмун била узун- узок нишонлар келди» [1:103] деб таъкидлайди. Ушбу мактуб мундарижасини Бобур асарида келтирар экан, Султон Ҳусайн мирзонинг шунчалик тажрибаси борлиги, темурийлар орасида энг тажрибали ва қудратли султон бўлишидан қатъий назар, давр сиёсати, умумий душман Шайбонийхонга қарши курашишда Хуросон мулкига мансуб қалъаларни мустаҳкамлаш эмас, барча темурий шаҳзодалар бирлашиб, ўзаро ихтилофларга барҳам бериб, қасри нафсини баҳридан кечиб иш туттишлари лозимлигини таъкидлайди. Бундан кўринадики, ўша даврда барча темурийзодалар ичида тиник фикр билдирган, тарих воқеаларига объектив баҳо бера олган шахс – Заҳириддин Бобур эди. Бобурнинг Ҳусайн Бойқаро сиёсатига берган баҳоси, қарашларидан ангашиладики, Амир Темур салтанатини аслича сақлаб қолиш, Хуросон ва Мо-вароуннаҳрда бу салтанатни давом эттириш имкони бор эди. Султон Ҳусайн мактубидаги «Тирмиз ва Килиф ва Карки гузарларида кема мунча ясанг, кўпрук асбоби бу миқдор тайёр қилинг, юкқори Тўкқуз ўлум гузарларни яхши эҳтиёт қилинг» мазмунидаги маслаҳатлари ва фармон қабилидаги кўрсатмалари Бобурнинг стратегик сиёсатига мутлақо тўғри келмасди. Бобур фикрича, бу муддатда вақтни бой бермасдан, барча темурийзодалар кучни бирлаштириб, Шайбонийхонга қарши курашга отланмоқлари зарур эди. Афсуски, Ҳусайн Бойқаро бошлиқ барча темурийзодалар ўз мулкларини асраш пайига тушдилар ва Шайбонийхон уларни бирма-бир махв этиб, ғалабага эришди. «Султон Ҳусайн мирзонинг бу хатлари мужиби ноумидлик бўлди. Не учунким, Темурбекининг юртида бу тарихда андин улўғроқ подшоҳ ҳам ёш ва ҳам вилоят ва ҳам черик била йўқ эди... Султон Ҳусайн мирзодек Темурбек ўрунига ўлтургон улўғ подшоҳ ғанимнинг устига юрмакни демай, ер беркитмакни деса, эл ва улўска не умидворлик қолғай?!» [1:103].

Бобур ҳаётида турли даврларда унга давлатчилик ишларига ҳалал берган, ҳатто кўпинча ракиблари Аҳмад Танбал сафига ўтиб, унга қарши курашган ўғай укаси Жаҳонгир мирзо «Бобурнома» саҳифаларида тез-тез кўзга ташланади. Бобур у ҳақда қондошлигини инобатга олиб хатоларини кечирар, имкон қадар ундан марҳаматини дариғ тутмас эди. Лекин шунга қарамасдан, бу оғмачи, бебурд укасининг характери борасида асарида очик-ойдин ўз фикрини билдириб, темурийлар орасида шундай иродасиз, салтанатга хиёнат қиладиган кимсаларнинг борлиги, «ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога» ҳикматиға асосланиб иш кўришга мажбур эди. Жаҳонгир мирзо қабилар жамиятнинг энг хавфли қатламиға мансуб шахслар бўлиб, салтанатнинг инқирозга юз туттишиға, курашларда ракибнинг қўли балад бўлишиға, жанг майдонида рақиб томонға ўтиб кетиши билан ҳам ҳарбий интизом жиҳатидан, ҳам қариндошлик бобида, ҳам маънавий жиҳатдан зарба бўлиб қолган. Ҳатто, энг оғир пайтларда ҳам Бобур ўз жигаргўшасига нисбатан қалтис муомалада бўлмаган, унга тўғри йўлни кўрсатиб, темурийзодалигини эътиборга олиб, ўзининг қасри нафси синишиға қарамасдан, уни инсофға қилишиға ишонч билдириб келган. «Бобурнома»нинг сўнги йиллар воқеаларини қузатсак, Жаҳонгир мирзо анча инсофға келган, акаси Бобур

мирзо ҳаракатларига қўшилиб иш тутадиган, бироқ шунда ҳам хурмача қилиқларини гоҳида аён этиб турадиган кишига айланган эди: «...ушбу кун тонгла Хисравшоҳнинг жамий навкар ва савдари келиб, подшоҳ қуллуғини қабул қилғайлар. Анда бисёр муфаттин эллар бор, мисли Аюббекининг ўғлонлари ва яна ҳам баъзилар борким, бизнинг мирзоларнинг орасида ҳамиша ёмонлик ва фитнага боис ва муҳаррик эдилар. Ҳоло ушбу фурсатта Жаҳонгир мирзога Хуросон сари хайр ва ҳўблук била рухсат берилсаким, тонглалик кунда мужиби надомат ва пушаймонлик бўлмағай» [1:103]. Бунда Бобур рақибларининг режаси шундан иборат эдики, Жаҳонгир мирзони ундан айириб, Хуросон сари боришига рухсат олиш, унинг кучини су-сайтириш, жигаргўшаларини бир-биридан ажратиш, шу билан темурийлар хонадонининг бирлигига рахна солиш эди. Бундай иғвогарликлар ва айирмачиларнинг истагига қарши чиқишга Бобур ҳам ожиз эди. Шунга қарамасдан, Бобур бу борада ўзининг тугал фикрини баён этади ва дейди: «Чун менинг шаънимда бу эмас эдиким, оға-ини ва урук-қаёштин ҳар неча изойлик воқия бўлса, мендин мутанаффир бўлғайлар. Агарчи Жаҳонгир мирзо била бизнинг орамизда бурун мулк ва навкар жиҳатидин кудуратлар ва ниқорлар хейли бўлуб эди, вале бу навбат ул вилояттин менинг била ҳамроҳ бўлуб келиб эди. Тугғонлик ва хизматгорлик мақомида эди. Бу замон ҳам андин ҳеч нима зоҳир бўлмайдур эдиким, сабаби кудурат бўлғай» [1:103].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Бобур тарих олдида ўзининг иниси Жаҳонгир мирзо билан ихтилофлар борлигини инкор этмоқда, агар бундай келишмовчиликлар бўлган бўлса ҳам, улар майда масалалар юзасидан бўлиб, Бобур бу ҳақда очик-ойдин фикрини баён қилмоқда. Бобурнинг бу иқрори давр ижтимоий-сиёсий, тарихий ҳолати олдида ҳолисона баҳо бериш билан бирга, ўша даврда темурийлар шаънига доғ туширмаслик, муаллиф томонидан тарихга нисбатан соғлом назар билан қарашни замондошларига ибрат қилиб кўрсатишдан иборат бўлган. Ҳар қандай даврда бўлгани сингари Бобур ҳукмронлиги пайтида ҳам кенг халқ оммаси орасида миллатчилик элементлари: кимнинг қаерда туғилганлиги, миллати ва бошқа жиҳатларига қараб баҳолаш одат бўлган кўринади. Бу жиҳатларнинг жамият аъзолари онгида пайдо бўлишининг ўзи, жумладан, темурийлар салтанатининг ривожланган пайтида ҳам жамиятнинг тараққиётига маълум даражада салбий таъсир кўрсатган. Бобур давлатчилиги сиёсатида ҳам бундай қарашлар мавжуд бўлиб, у бундай кишиларга нисбатан кураш олиб борган, бундай шахсларни жамиятдаги айирмачилар қаторига киритган ва салтанатнинг ичидан кемирувчи тоифага мансуб кишилар, деб билган: «...Тенгри таоло давлати берди, меҳмон ва ғариб бекларни ва йигитларни бойрилардин ва андижонийлардин ортуқроқ ва яхшироқ кўрдум. Бовужуд бу ажаб балоедурким, ҳамиша эл мени ғайбат қилурларким, бойридин ва андижонийдин ўзгани риоят қилмас. Масал борким, «душман не демас, тушга не кирмас». «Дарвозаи шаҳро тавон баст, натвон даҳани муҳолифон баст» (Мазмун: «Шаҳар дарвозасини ёпиб бўлади-ю, душман оғзини ёпиб бўлмайди») [1:117].

Темурий шаҳзодаларнинг қасри нафси боис уларнинг бири («Зуннун аргун ўғли Шохбек Шайбонийхоннинг устигаким, Балхда Султон Қуличокни муҳосара қилиб эди...») шижоат кўрсатиб Шайбонийхоннинг лашкари устидан ғалаба қилиб турганда «Султон Хусайн мирзонинг ўғлонларига кишилар йибориб тилаттилар, доғи бу азият била Ҳиридин чиқтилар. Бодғисга етканда Чилдухтаронда Абулмуҳсин мирзо Марвдин келиб қўшулди, Ибни Хусайн мирзо ҳам андин сўнг Тўн ва Қойиндин келди, Кепак мирзоким, Машҳадта эди, ҳар неча кишилар йибордилар, номаъқул сўзлар айтиб, номардлик қилиб келмади, анинг

таассуби Музаффар мирзо била эди, яъни ул подшоҳ бўлгонда мен нечук анинг қошига борғоймен, деб мундоқ маҳалдаким, жамий оғо-ини бир ерда йиғилиб, иттифоқ қилиб, Шайбонийхондек ғаним устига азми жазм қилиб юруйдургонда мундоғ бемаза таассуб қилиб келмади. Анинг бу келмамагини ҳолоким таассубқа ҳамл қилур, балки барча номардликка ҳамл қилғуларидур» [1:142]. Бобур бунда очик қилиб Хусайн Бойқаро энг нозик пайтда темурийзода Кепак мирзонинг бошқа темурийзодага хусумати борлиги боис Шайбонийхонга қарши боришдан бўйин товлагани, бу шунчаки темурий шаҳзодаларнинг арази эмас, балки Бобур томонидан номардлик, қолаверса, салтанатнинг бирлигига хиёнат тарзида баҳоланмоқдаки, ҳақ унинг томонидадир. Ушбу давр сўнг Бобурнинг бу тарихий воқеага нисбатан берилган ҳулосаси ҳам мавжуд. Бунда Бобур инсондан яхши ном қолиши, асрлар оша кишилар уни яхши ном билан аташи – бу инсоннинг «иккинчи умри» қаторида тилга олинишини таъкидлар экан, Кепак мирзо қабиларни инсофга чақиради, Амир Темур салтанатининг барқарор туришига ҳиссаларини қўшишга ундайди. Бобур Амир Темур тахтининг ҳақиқий вориси сифатида «Бобурнома»да ибратли фикрларни ифода этади. У темурийлар салтанатининг ҳимоясига даъват этар экан, бирор ноўрин иш қилинган бўлса, бундан адоват қидирмасдан унинг ислоҳига киришишга чақиради, бу жиҳат салтанатда ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий муҳитнинг соғлом тарзда шаклланишига маълум даражада таъсирини ўтказади. У «ҳар кимдин яхши қоида қолгон бўлса, анинг била амал қилмоқ керак, агар ота ёмон иш қилгон бўлса, яхши иш била бадал қилмоқ керак»лигини қайта-қайта таъкидлайди [1:143].

Кобул салтанати тарихида Бобур томонидан Қандаҳор вилоятининг эгалланиши муҳим тарихий воқеа ҳисобланади. Бу Бобурнинг улкан юрт олиш сиёсатидаги воқеа бўлиб, муҳим стратегик аҳамиятга молик эди. Бироқ, шу муддатда Шайбонийхон Бобурни Қандаҳорда билиб, унга қарши лашкар тортади, аммо Бобур тажрибали беги Қосимбекининг маслаҳатига кўра бу шаҳарнинг катта бойлигини олиб, Кобулга қайтиб келади. Шайбонийхон Бобурни Қандаҳордан топмай ортига қайтади. Аммо, Бобур учун бу ғолиблик маълум даражада мағлублик ҳам эди.

Бобур тарихий вазиятни аъло даражада билиши, Шайбонийхоннинг феъли, ҳарбий қудратини баҳолай олиши шундан далолат берадики, Қандаҳордан аламзада бўлган Шайбонийхон Кобулга ҳам ҳужум қилиши, Бобур салтанатига таҳдид солиши аниқ эди. Ана шу боисдан Бобур шундай қарорга келади. Бобурнинг давр воқеаларини аниқ баҳолай олиши, унга Ҳиндистон томон йўл олиши тўғрелигини кўрсатиб ва Амир Темур салтанатини Ҳиндистонда қайта давом эттиришига имкон бўлди. Бу ҳақда у «Бир мен Кобулда қолиб эдим. Душман бисёр қавий, биз кўп заиф, не маслаҳат қилмоққа эҳтимол, не муқоамат қилмоққа мажол. Мунча қувват ва қудрат. Ўзумизга бир ер фикрини қилғулукдур ва бу микдор фуржа ва фурсатга қавий душмандин йироқроқ айрилғулуктур, ё Бадахшон жониби, ё Ҳиндустон сари жазм қилмоқ керак... Мен ва баъзи ички беклар Ҳиндустон тарафи бормокни таржих қилиб, Ламғонга мутаважжих бўлдук», - дейди [1:159]. Профессор Н.Ф.Низомиддиновнинг бу ҳақдаги: «Бобурнома»... муаллифининг ҳинд ерига қўйган биринчи қадамидан то унинг тўла тасарруфига қадар маълум мақсад ва режасига асос сифатида йиғилганга ўхшайди. Зотан, балоғат ёшидан давлатчилик масъулиятига дахлдор бўлган подшоҳ ва қолаверса, етук олим ҳамда ижодкорнинг... Тангрига таваккал қилишдан илгари барча ўз ақл-заковати ва имконини ишга солганлиги табиий» [2:70] – деган фикрига қўшилиш мумкин. Бобур Ҳиндистонни ўз тасарруфига киритишга ошиқар экан, Ҳинд мулки саркардалари билан имкон қадар диплома-

тик муносабатни яхшилаш, Амир Темур тасарруфиди бўлган ерларни қайта эгаллаш борасида музокаралар олиб боради. Унинг фикрича, Ҳиндистон тупроғидаги турк аҳолига мансуб ерлар бевосита Амир Темур салтанатидаги ерлар ҳисобланиб, ҳатто Бобур лашкарлари бу вилоятларга кириб борганда, «Чунтурк ўлтушуш-лук вилоятларни ўзумузнинг тасаввур қилиб эдук», деб хулоса чиқариб, лашкарига бу вилоятларни толонторож қилмаслик, мол-мулкидан ҳатто, «ип ва игна синигига»ча тегинмасликни фармон беради ва бу қоидага бутун қаламравида итоат этишларини қаттиқ назорат қилади. Унинг фикрича, Ҳиндистон султонлари ва рожалари ҳам бу фармонини сўзсиз бажаришлари ва амал қилишлари лозим эди. Бироқ Ҳинд давлат бошлиқлари Бобурнинг бундай сиёсатини тушунишни хохламадилар ва Бобур бу масала юзасидан улар билан орани очик қилиш учун Султон Иброҳимга дипломатик йўл билан мактуб ёзиб, оғзаки фикрларини элчи орқали тайинлаб, ўз кишисини юборади: «Панжшанба куни рабиул аввал ойининг ғураида бу жихаттин Мулло Муршидни Султон Иброҳимгаким, отаси Султон Искандар ўшул беш-олти ойда ўлуб, Ҳинд салтанати мунга тегиб эди, элчиликка таъйин қилиб бир қарчиғай йибориб, қадимий туркка тааллуқ вилоятларни тиладук» [1:167] - дейди.

Бобур Султон Иброҳим мавжуд вазиятдан хулоса чиқариб, у юборган мактубларга аниқ, тайинли жавоб қайтаради, деб умид қилади. Бобур бу даврдаги Ҳинд салтанат бошлиқларининг дунёкараши, сиёсат юритишига ҳам алоҳида баҳо беради. Бунда ҳам Ҳинд халқига хос ғурур, ҳам сиёсатда яккашлик характери Султон Иброҳимнинг давлатчилик принципи, гарчи Бобур таъкидлагандек, «...Бу Ҳиндустон эли, алалхусус афғонлар ажаб хуш ва хираддин йироқ ва раъй ва тадбирдин қироқ эллар бўлур эрмиш...», дер экан, матнда Ҳиндистон давлатчилигини бор моҳияти билан

очиқ беради, уларнинг ўша пайтда мавжуд дипломатик тартибни билмаслиги ёки писанд қилмасликларини ошқора баён қилади: «Давлатхонга битилган хатларни ва Султон Иброҳимга битилган хатларни топшуруб, оғиз сўзларни доғи айтиб, Мулло Муршидга рухсат берилди. Бу Ҳиндустон эли, алалхусус афғонлар ажаб хуш ва хираддин йироқ ва раъй ва тадбирдин қироқ эллар бўлур эрмиш, не ёғийлик юруш ва турушин қила олдилар, не дўстлук роҳ ва равишин била олдилар. Борғон кишимизни Давлатхон неча кун Лаҳўрда сахлатиб, не ўзи кўрди ва не китобатни Иброҳимга йиборди. Неча ойдин сўнг борғон кишимиз ҳеч жавоб топмай Кобулга келди» [1:167-168]. Бобурнинг бундай хулоса чиқаришидан билиш мумкинки, Ҳиндистонни ўз таъсирига қиритган Бобур учун Амир Темурга тааллуқли ҳудудда қайта давлатчиликни барпо этиш шунчаки осон бўлмаган. Бобур юборган элчи бир неча ой Иброҳимнинг назари остида қолиб кетади, унга на «ҳа» ва на «йўқ» жавоби берилади. Шунинг ўзидан ҳам англаш мумкинки, Ҳиндлар жуда узоқ муддат Бобур таклифини муҳокама қилганлар ва охири у юборган элчига ҳеч нарса демай рухсат берганлар. Албатта, бундай муносабатдан кейин Бобур бор кучи билан Иброҳим Лўдий устига қўшин тортган ва тарихий манбалар, жумладан, «Бобурнома»даги маълумотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, бобурийларнинг бу юртдаги салтанати 332 йил давом этганлиги тўғрисида далолат беради.

«Бобурнома» муаллифнинг содда баёни, тарихий воқеаларни реалистик тарзда ифодалаши, ўзи таъкидлагандек, «Чун бу тарихда андоқ илтизом қилилибтурким, ҳар сўзнинг ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни воқеани таҳрир этилгай»[1:21]. Бу эса асарда келтирилган барча тарихий шахсларга баҳо, фактлар, воқеалар, далиллар ҳақиқат эканлигидан далолат беради. Айтилганлардан хулоса эса Бобур талқинидаги тарих ҳақиқатлар ифодасидир.

Адабиётлар

1. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. -Тошкент: «Шарқ». 2002, 335-б.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. -Тошкент: «Шарқ», 2014, 744- б.
3. Жалилов С. Бобир ва Юлий Цезар. -Тошкент: «Янги аср авлоди». 1992.
4. Низомиддинов Н.Ғ. Буюк бобурийлар тарихи (XVI – XIXаср).Монография. -Тошкент: Фан ва технология, 2012, 516-б.
5. Сингх Н.К., Банержи А.У. История Индии. -М.: 1954. -С. 214.
6. Кудратулланв Ҳ. Бобурнинг давлатчилик сиёсати ва дипломатияси. - Тошкент: «Шарқ», 2011. -431-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Бобурнинг давр ва кечмиш тарихига доир қарашлари, ғолиб ва мағлуб шахс ҳақидаги фикрлари таҳлил этилади. Унда тадқиқотчи «Бобурнома» асирида шахс концепцияси масаласини очиқ беришга ҳаракат қилади.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются взгляды Бабура о своём времени и прошедшей эпохе, а также мысли о победителе и побеждённом. В нём исследователь старается раскрыть проблему концепции личности в произведении «Бабурнама».

SUMMARY

The article is devoted to the analysis of the views of Babur of his time and the last era as well as the ideas of winners and losers. The researcher tries to study the problem of the concept of personality in the work “Baburname”.